

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.18/30.12.2019.Т.09.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**МЕХАНИКА ВА ИНШОТЛАР СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ
ИНСТИТУТИ**

БЕКМИРЗАЕВ ДИЁРБЕК АБДУГАППОРОВИЧ

**ЕР ОСТИ ФАЗОВИЙ ҚУВУРЛАР ТИЗИМИ СЕЙСМОДИНАМИКАСИ
УСУЛЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**05.09.02 – Асослар, пойдеворлар ва ер ости иншоотлари. Кўприклар ва транспорт
тоннеллари. Йўллар, метрополитенлар
01.02.04 – Деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021 йил

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)

Contents of the doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Бекмирзаев Диёрбек Абдугаппорович Ер ости фазовий қувурлар тизими сейсמודинамикаси усулларини ривожлантириш.....	3
Бекмирзаев Диёрбек Абдугаппорович Развитие методов сейсמודинамики подземных пространственных трубопроводных систем.....	29
Bekmirzaev Diyorbek Abdugapporovich Development of seismodynamics methods of underground spatial pipeline systems.....	55
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	59

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.18/30.12.2019.Т.09.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**МЕХАНИКА ВА ИНШОТЛАР СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ
ИНСТИТУТИ**

БЕКМИРЗАЕВ ДИЁРБЕК АБДУГАППОРОВИЧ

**ЕР ОСТИ ФАЗОВИЙ ҚУВУРЛАР ТИЗИМИ СЕЙСМОДИНАМИКАСИ
УСУЛЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**05.09.02 – Асослар, пойдеворлар ва ер ости иншоотлари. Кўприклар ва транспорт
тоннеллари. Йўллар, метрополитенлар
01.02.04 – Деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021 йил

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.DSc/T331 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (реюзме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tstu.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Рашидов Турсунбай

техника фанлари доктори, профессор, академик

Расмий оппонентлар:

Расулов Ҳаят Зайирович

техника фанлари доктори, профессор

Хусанов Бахтияр Эргашбаевич

физика-математика фанлари доктори, катта илмий ходим

Миралимов Мирзохид Хамитович

техника фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Фарғона политехника институти

Диссертация химояси Тошкент давлат транспорт университети ҳузуридаги DSc.18/30.12.2019.T.09.01 рақамли илмий кенгаш асосида тузилган бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил “**25**” **июнь** соат **9⁰⁰** даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100167, Тошкент ш., Темирийўлчилар кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (+99871) 299-00-01, e-mail: rektorat(@tstu.uz, tashiit@exat.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат транспорт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (**024** рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100167, Тошкент ш., Темирийўлчилар кўчаси, 1-уй. Тел.: (+99871) 299-00-01.

Диссертация автореферати 2021 йил “**12**” **июнь** куни тарқатилди.
(2021 йил “**22**” **май** даги **1** рақамли реестр баённомаси).



А.А. Рискулов

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Н.А. Нишонов

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, PhD, к.и.х.

А.А. Ишанходжаев

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда, хусусан АҚШ, Хитой, Япония, Россия, Туркия, Ҳиндистон, Италия, Эрон ва бошқа давлатларда, ер ости газ-, сув-, нефт-, иссиқлик таъминоти ва канализация қувурларининг сейсмик хавфсизлиги ва сейсмик мустаҳкамлигини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қувурлар тизими сув таъминоти ва оқова сувларини чиқариб ташлаш, табиий газ ва суюқ ёқилғи, энергия ва коммуникациялар билан таъминлаш учун нафақат замонавий ҳаётда қўлланилади, балки офатларни бошқариш ва зилзилаларнинг оқибатларини бартараф этишда ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Шу сабабли, кучли зилзилалар каби экстремал шароитларда, айниқса ушбу иншоотларда катта миқдордаги захарли ва ёнувчи материаллар мавжуд бўлганда ва ташиб берилганда, уларнинг тизимли хавфсизлиги таъминланган бўлиши лозим. Бу борада ривожланган хорижий давлатларда маълум ютуқларга эришилган бўлиб, дунё бўйича ривожланиб кенгаяётган шаҳарларда сейсмик хавфсизликни таъминлаш, зилзилабардош иншоотларни лойиҳалаш ва қурилишига катта эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда турли грунт шароитларида жойлашган ер ости ҳаётни таъминлаш тизимларининг сейсмик мустаҳкамлиги муаммоларини янада чуқурроқ тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада “қувур-грунт” ўзаро таъсир моделини қуриш учун виброплатформа ва центрифугада моделлаштирилган лаборатория экспериментал тадқиқотларини грунт ва кумларда ўтказиш, бутун бир қувурлар тизимининг сейсмик заифлигини тушунтириб бериш учун, унинг бир қисмидан иборат тўғри чизиқли қувурни зилзиладаги акс таъсирининг асослаш, сейсмик юклама таъсиридаги Г, II ва Т шаклдаги қувурларнинг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини (КДХ) ва ер ости иншоотининг грунт билан ўзаро таъсирини математик тавсифлаш, назарий ва амалий тадқиқотларининг асосий зарур масалаларидан бири бўлиб ҳисобланмоқда.

Мустақиллик шароитида, айниқса кейинги йилларда Ўзбекистон Республикасининг сейсмик ҳудудларида газ, нефт, нефт-кимё ва бошқа қўплаб саноат тармоқлари ривожланиб бормоқда, сейсмик юкламалар таъсиридаги ер ости иншоотларининг сейсмик мустаҳкамлигини таъминлашга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан “...аҳолининг коммунал-маиший хизматлар билан таъминланиш даражасини ошириш, энг аввало, янги ичимлик суви тармоқларини қуриш, ... қишлоқ жойларда тоза ичимлик суви билан таъминлашни тубдан яхшилаш...”¹ юзасидан вазифалар белгиланган. Мазкур вазифани амалга оширишда турли мураккаб геометрик шаклга эга ва махсус грунт шароитларида ер ости ҳаётни таъминлаш тизимларининг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолати тўғрисида тўлиқ илмий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947–сон Фармони.

маълумотни олиш, ихтиёрий йўналган сейсмик юкламалардаги уланиш чоклари билан бириктирилган ер ости қувурларини ҳисоблаш, фазовий қувурлар тизимининг зилзилабардошлик масалаларини ечишнинг ҳисоблаш алгоритмларини ишлаб чиқиш, реал зилзила ёзувлари кўринишидаги сейсмик кучлар таъсиридаги ер ости қувурлари сейсмодинамикаси масалаларини ҳисоблаш услубларини такомиллаштириш масалалари муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июлдаги ПҚ-4794–сон “Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 августдаги 515–сон “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. “Математика, механика, ва информатика” ва XIV. “Сейсмология, биналар ва иншоотлар сейсмик хавфсизлиги ва қурилиш” устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Ер ости ва ер усти қувурларининг сейсмик мустаҳкамлиги муаммоларини ҳал этиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари жаҳоннинг қуйидаги етакчи илмий марказлар ва олий таълим муассасаларида олиб борилмоқда: American Society of Civil Engineering, Department of Civil and Environmental Engineering University of California, Southwest Research Institute Report to the American Gas Association (АҚШ), Seismic Design for Gas Pipelines, Japan Gas Association (Япония), Kandilli Observatory and Earthquake Research Institute (Туркия), Department of Building Engineering, Tongji University, Department of Building and Construction, City University of Hong Kong (Хитой), Department of Hydraulic, Geotechnical and Environmental Engineering, Federico II University (Италия), University of Architecture, Civil Engineering and Geodesy (Болгария), В.А. Кучеренко номидаги Иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини тадқиқ қилиш маркази (Россия), National Information Center of Earthquake Engineering, Criteria for Earthquake Resistant Design of Structures (Ҳиндистон), Department of Civil Engineering – Isfahan University of Technology (Эрон), Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти (Ўзбекистон).

Турли юкланиш кўринишларга ва чегаравий шартларга эга ер ости қувурларининг динамик ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш бўйича дунёда, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: сейсмик кучлар

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқот шарҳи қуйидаги манбаалар асосида амалга оширилган: <https://www.asce.org/>; <https://ce.berkeley.edu/>; <http://mceer.eng.buffalo.edu>; <http://link.springer.com/>; www.alireza.azarbakht.info/files/papers/JP_2014-8.pdf; www.researchinventory.com/; <http://sdgee.civil.auth.gr/>; www.geengineeringssystem.com/; www.preventionweb.net/; <http://apapad.users.uth.gr/>; The 14th World Conference on Earthquake Engineering. China; The 15th World Conference on Earthquake Engineering. Lisbon ва бошқалар.

таъсирида ер ости қувурларининг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини аниқлашнинг сонли ва экспериментал усуллари, грунтнинг кучли ҳаракатлари содир бўлувчи фаол ер ёриқлари, кўчки ва қуйқаланишлар, грунтнинг чизиксиз эффектлари, геометрик ва физик нозизиқлик каби хусусиятларини инобатга олган ҳолда такомиллаштирилган (American Society of Civil Engineering, Department of Civil and Environmental Engineering University of California, АКШ; Kandilli Observatory and Earthquake Research Institute, Туркия; City University of Hong Kong, Хитой); қувурлар сейсмодинамикасининг асосий масалалари шакллантирилган (эластик муҳит ва стерженнинг биргаликдаги ҳаракати), силжишга мойил чоклар билан бириккан қувур ва муҳитнинг биргаликда сейсмик тебранишининг динамик модели қурилган (Москва давлат университети, Россия); тўлқин векторига нисбатан нефт ўтказгич ўқининг ихтиёрий жойлашишига эга сейсмик юкламаларда грунтга кўмилган магистрал қувурнинг чизикли қисмининг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолати параметрлари ва динамик ҳаракати таҳлилининг ҳисоблаш алгоритми ва дастурий-ҳисоблаш модули ишлаб чиқилган (Москва давлат техника университети, Россия); портлаш тўлқинлари таъсирида қоя грунтларида жойлашган нефт ўтказгичнинг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини ҳисоблашнинг математик модели тузилган (“Тоғ” миллий минерал-ҳомашё университети, Россия); сирт тўлқинлари тарқалганда тўғри чизикли уланиш чокларига эга ер ости қувурининг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини баҳолашнинг сонли усуллари такомиллаштирилган (Soochow University, China, Isfahan University of Technology, Iran; University of Naples Federico II, Italy); кўндаланг ва бўйлама юкламаларнинг ўрнини тўлдириш (компенсация қилиш), мураккаб тармоқли ер ости иншоотлари сейсмик мустаҳкамлигининг динамик назарияси ҳамда ер ости иншоотлари сейсмик мустаҳкамлигининг тўлқин назарияси ишлаб чиқилган (Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти, Ўзбекистон).

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сейсмик юкланишларда ер ости қувурларининг мустаҳкамлиги бўйича илмий назарий ва экспериментал тадқиқотлар, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги билан шуғулланувчи дунёнинг йирик олимлари M.J. O’Rourke, L.R. Wang, N. Suzuki, A. Sakurai, T.D. O’Rourke, N.M. Newmark, El. Hmadi, T. Takahashi, T. Tanaka, K. Yoshizaki, X.L. Liu, I.C. Anderson, S.B. Johnston, V. Corrado, Д.Д. Баркан, Т.Р. Рашидов, В.А. Ильичев, Я.М. Айзенберг, А.Г. Назаров, А.Б. Айнбиндер, Ш.Г. Напетваридзе, А.С. Гехман, М.Ш. Исраилов, А.А. Александров, Р.А. Гумеров, Э.Н. Фигаров ва жаҳоннинг етакчи илмий марказлари, университетлари ҳамда илмий-тадқиқот институтлари, шунингдек, бошқа кўплаб олимлар томонидан олиб борилган.

Ер ости қувурлари сейсмик мустаҳкамлиги соҳаси бўйича назарий ва амалий тадқиқотларнинг натижалари M.J. O’Rourke ва X.L. Liuning монографиясида (1999 й) батафсил таҳлил этилган. Мазкур монография жаҳоннинг турли минтақаларида сейсмодинамиканинг шаклланиши, ривожланиш босқичлари тарихини ва уларнинг натижаларини чуқур таҳлил этиш имкониятини беради.

Ер ости иншоотлари сейсмодинамикаси назарияси, Ашхобод (1948 й.) ва Тошкентда (1966 й.) бўлиб ўтган кучли zilzilалар оқибатлари ҳақидаги аниқ маълумотларга асосланиб, Ўзбекистонда ишлаб чиқилган. Ярим аср аввал, ер ости қувурлари сейсмик мустаҳкамлигининг динамик назарияси шакллана бошлаганда, zilзила таъсиридаги ер ости иншоотларининг шикастланишлари ва бузилишларига оид маълумотлар етарли бўлмаган. Фақат айрим Япония (Токио, 1923 й.), АҚШ (Калифорния, 1906 й.), Туркменистон (Ашхобод), Ўзбекистон (Тошкент) ва бошқа zilзила оқибатлари ҳақидаги маълумотлар мавжуд бўлган. Буни ўша вақтда сейсмик ҳудудларда ер ости қувурлари тизимининг кўлами нисбатан кўп бўлмаганлиги, уларнинг zilзилада шикастланишларини аниқлаш қийин бўлганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Мамлакатимизда бир қатор олимлар томонидан ер ости қувурларининг сейсмик мустаҳкамлигини ошириш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Грунт билан ўзаро таъсирдаги иншоотларнинг динамикаси муаммолари бўйича илмий тадқиқотлар, турли математик моделлардан фойдаланиш, шунингдек қувурларнинг аниқ ҳисоблари билан боғлиқ бўлган алоҳида тадқиқотлар Я.Н. Мубараков, Г.Х. Хожметов, А.А. Ишанходжаев, Б.М. Мардонов, М. Мирсаидов, К.С. Султанов, И. Мирзаев, Т. Юлдашев, Ш. Юлдашев, Х.З. Расулов, Т. Мавлянов, Ш.М. Маматкулов, К.Д. Салямова, И. Сафаров, Б.Э. Хусанов, М.К. Усаров, Х.С. Сагдиев, А. Каюмов, А.Х. Маткаримов, В.А. Омельяненко, М. Хазраткулов, С.Ф. Проскурина, А.Ю. Юсупов, З.Р. Тешабаев, У. Раҳманов, Т.Т. Собиров, Е.Н. Колмакова ва бошқалар томонидан олиб борилган.

Амалдаги меъёрий ҳужжатда (ҚМҚ 2.01.03-96 “Зилзилавий ҳудудларда қурилиш”, “Ер ости иншоотлари ва муҳандислик тармоқлари” IV бўлими) мураккаб шаклдаги ер ости иншоотларининг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини ҳисоблаш бўйича маълумотлар ва махсус кўрсатмалар етарлича даражада мавжуд эмас. Шу билан бир қаторда, хорижий мамлакатларда ер ости иншоотлари сейсмодинамикаси бўйича тадқиқотларнинг таҳлили мураккаб тармоқли ер ости қувурларининг ҳисоблаш усулларини етарли даражада эмаслигини кўрсатди. Шунинг учун ушбу диссертацияда мураккаб шаклдаги ер ости қувурлари тизими сейсмодинамикаси ўрганилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасанинг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №Ф4-ФА-Ф047 “Структураси ўзгарган грунтларда жойлашган мураккаб шаклдаги ер ости қувур тизимларининг сейсмодинамикаси” (2012-2016), №ФА-А14-Ф019 “Жаҳон миқёсидаги кучли zilzilалар оқибатларини муҳандислик таҳлили ва янги тадқиқотлар асосида zilзилабардош ер ости муҳандислик иншоотларини ҳисоблаш ва лойиҳалаш усулларини янгилаш учун таклифлар ишлаб чиқиш” (2015-2017), №ФА-Ф-4-006 “Ихтиёрий йўналган сейсмик кучлар таъсиридаги текисликда ва фазовий жойлашган ер ости қувурлар тизимининг сейсмодинамикаси” (2017-2020), №MRU-FA-58/2017 “Сейсмик таъсирлардан

ҳимоялаш учун акустик тўсиқлар: концепцияси, математик моделлар ва сонли алгоритмларни ишлаб чиқиш” ва №ФА-Атех-2018-67 “Зилзилаларда йиғилган реал маълумотларга асосланган сейсмик кучлар таъсиридаги ер ости қувурларининг реакциясини баҳолаш ва уларни амалиётга татбиқи” (2018-2020) мавзуларидаги илмий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ихтиёрий йўналган сейсмик таъсирлар, шу жумладан реал зилзила ёзувлари асосида мураккаб шаклдаги ер ости фазовий қувурлар тизими сейсмодинамикаси усулларини ривожлантиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сейсмик таъсирдаги (гармоник, сўнувчи гармоник, импульс) тўғри чизиқли ва мураккаб тармоқли ер ости қувурларининг бўйлама тебраниши масалаларини сонли ҳисоблаш алгоритмлари ва методикасини ишлаб чиқиш;

ихтиёрий йўналган сейсмик юкламалар таъсиридаги ер ости қувурлари тизимининг механик-математик моделини Гамильтон–Остроградский вариацион тамойили асосида ишлаб чиқиш (умумий масала);

ихтиёрий йўналган сейсмик юкламалар таъсирида уланиш чокларига эга ер ости қувурларининг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини сонли ҳисоблаш методикасини ишлаб чиқиш;

ортогонал ва ноортогонал шаклдаги ер ости қувурларининг сейсмодинамикаси масалаларини ҳисоблаш методикасини ишлаб чиқиш;

реал зилзила ёзувлари асосида тугунли бирикмаларга эга ортогонал ва ноортогонал шаклдаги ер ости қувурларининг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини аниқлаш усулини ишлаб чиқиш;

ер ости қувурлари сейсмодинамикасининг қаралаётган масалаларини ҳисоблаш учун шахсий компьютер дастурлари комплексини яратиш;

амалиётга татбиқ этиш учун ҳар хил сейсмик юкламалар ва реал зилзилалар ёзувлари асосида турли шаклдаги ер ости қувурлари динамикаси тадқиқотлари бўйича кўп вариантли ҳисоблаш экспериментларини ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида республика сейсмик ҳудудларида жойлашган турли шаклдаги текисликда ва фазовий жойлаштирилган ер ости қувурлари (сув, газ, нефт ўтказгич қувурлари ва бошқалар) тизими олинган.

Тадқиқотнинг предмети турли шаклдаги ер ости фазовий қувурлар тизимининг сейсмодинамик жараёнларидир.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот олиб бориш жараёнида деформацияланувчан қаттиқ жисмлар механикаси ва қурилиш механикаси усуллари, ҳисоблаш математикаси, математик моделлаштириш, сонли усуллар, дастурлаш усуллари, ҳисоблаш экспериментлари усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сейсмик таъсирларда (гармоник, сўнувчи гармоник, импульс) тўғри чизиқли ва мураккаб тармоқли ер ости қувурларининг бўйлама тебранишлари сейсмодинамикаси масалаларини ҳисоблашнинг сонли алгоритмлари ва усуллари такомиллаштирилган;

ихтиёрий йўналган сейсмик таъсирларда фазовий тебранишдаги ер ости қувурларининг ҳамда тугун қисми абсолют қаттиқ жисм кўринишидаги

мураккаб тармоқнинг дифференциал тенгламалар системаси Гамильтон–Остроградский вариацион тамойили асосида ишлаб чиқилган;

ихтиёрий йўналган сейсмик юкламалардаги уланиш чоклари билан бириктирилган ер ости қувурлари сейсмодинамикасининг янги масалаларини ҳисоблаш услуби ишлаб чиқилган;

ортогонал ва ноортогонал шаклдаги ер ости фазовий қувурлар тизимининг сейсмодинамикаси масалаларини ечиш учун чекли айирмалар ва чекли элементлар усуллари асосида янги ҳисоблаш алгоритми ишлаб чиқилган;

илк бор реал зилзила ёзувлари асосида тугунлар билан бириктирилган ортогонал ва ноортогонал шаклдаги ер ости қувурлари сейсмодинамикаси масалаларининг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини аниқлаш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сейсмик таъсирлардаги ер ости қувурларининг фазовий тизимини сейсмодинамик тадқиқоти учун кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини аниқлашга асосланган дастурий мажмуа ишлаб чиқилган;

сейсмик ҳудудларда ер ости иншоотлари ва муҳандислик тармоқларини ҚМҚ 2.01.03-96 “Зилзилавий ҳудудларда қурилиш” меъёрий қоидалари асосида ҳисоблаш учун дастурий мажмуа ишлаб чиқилган;

сейсмик ҳудудларда ер ости қувурини лойиҳалаш жараёнида ҳисоблаш методикасидан фойдаланиш (Наманган вилоятидаги “Ичимлик суви ва канализация тизимлари” объекти) ҳисоблаш вақтининг 2-3 марта тежалишига, иншоотнинг турғунлиги ҳамда чидамлилигини 1,2 марта захира билан ҳисобланиши таъминланди. Қурилиш майдонининг сейсмик интенсивлигини ҳисобга олган ҳолда олинган натижалар қувурларнинг кўмилиш чуқурлигини 15–20 фоизгача камайтириш имконини берган;

диссертация ишининг натижаларидан Фуқаро бинолари қуришнинг илмий тадқиқоти ва лойиҳа қидируви институти “ToshuyjoyLITI” да ҚМҚ 2.01.03-96 “Зилзилавий ҳудудларда қурилиш” меъёрий ҳужжатининг, “Ер ости иншоотлари ва муҳандислик тармоқлари” IV бўлимини қайта ишланган вариантини тайёрлашда фойдаланилган;

тадқиқот натижалари янгиланган ҚМҚ 2.01.03-19 “Зилзилавий ҳудудларда қурилиш” меъёрий ҳужжатининг “Ер ости иншоотлари ва муҳандислик тармоқлари” IV бўлимига киритилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги аниқ математик усуллар, замонавий услуб ва воситалардан фойдаланилган ҳолда олинган натижаларни қўллаш, аввалги олинган натижалар билан солиштирилганлиги, шунингдек, назарий тадқиқотлар асосида олинган натижалар реал маълумотлар билан таққослаш ҳамда амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти турли шаклдаги фазовий ер ости қувурлари тизими сейсмодинамикаси жараёнларининг математик модели ва уларни сонли ҳисоблаш услублари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти фазовий ер ости қувурлари тизими сейсмодинамикасини ҳисоблашга асосланган услуб асосида тузилган ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий таъминотлар мажмуи, ер ости қувурлари сейсмодинамикасини ҳисоблашнинг ягона концепциясини ўзида акс эттириши, шунингдек сейсмик ҳудудларда ер ости (сув таъминоти, газ таъминоти, нефт таъминоти ва бошқалар) қувурларини лойиҳалаш ва қуриш жараёнларининг тезлашишига, бажарилган иш сифатининг ортишига, ҳаётни таъминловчи мураккаб тизимларни мукамал, турғун ишлашига ҳамда сейсмик хавф-хатарни сезиларли даражада камайтиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ер ости фазовий қувурлар тизими сейсмодинамикаси жараёнларининг тадқиқоти бўйича олинган илмий натижалар асосида:

сейсмик ҳудудларда ер ости иншоотлари ва муҳандислик тармоқларини ҚМҚ 2.01.03-96 “Зилзилавий ҳудудларда қурилиш” меъёрий қоидалари асосида ишлаб чиқилган ҳисоблаш дастури Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг «ToshuyjoyLITI», «O’ZBEKKOMMUNAL-LOYIHAQURILISH» ва «QISHLOQQURILISHLOYIHA» ташкилотлари томонидан лойиҳаланаётган объектларни ҳисоблашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2020 йил 19 августдаги 09-06-6406 – сонли маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш орқали ресурс тежамкорликка, иш сифати ортишига ва лойиҳалаш жараёнидаги ҳисоблаш вақтини 2-3 марта тежаш имконини берган;

сейсмик юкламаларда ер ости фазовий қувурлар тизимининг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини аниқлашнинг такомиллаштирилган усули амалиётда ҳисоблашга татбиқ этилган ва ҚМҚ 2.01.03-96 “Зилзилавий ҳудудларда қурилиш” меъёрий ҳужжатининг, “Ер ости иншоотлари ва муҳандислик тармоқлари” IV бўлимини қайта ишлашда “ToshuyjoyLITI” АЖ томонидан фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2020 йил 19 августдаги 09-06-6406 – сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши ер ости қувурларининг зарарланишларини ва бузилишларини олдини олади ҳамда иқтисодий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлган фавқулодда ҳолатларда авария, қурилиш-монтаж ишларига сарфланадиган сарф-ҳаражатларни тежаш имконини беради;

ер ости қувурларининг қудуқларини сейсмик мустаҳкамликка таъсирини аниқлаш ва қудуқлар билан бириктирилган қувурларни кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини баҳолаш услуги ҚМҚ 2.01.03-96 “Зилзилавий ҳудудларда қурилиш” меъёрий ҳужжатининг IV “Ер ости иншоотлари ва муҳандислик тармоқлари” бўлимини қайта ишлашда фойдаланилган, ўзгартириш ва қўшимчалар билан Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигига амалиётда қўллаш учун тақдим этилди (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2020 йил 19 августдаги 09-06-6406 – сонли маълумотномаси). Илмий натижаларни қўлланилиши ер ости иншоотларини зилзилабардошлигини ошириш ва бўлиши мумкин бўлган кучли зилзилалар оқибатини камайтириш имконини беради;

ихтиёрий йўналган сейсмик юкланишлардаги ер ости фазовий қувурлари тизимининг сейсмик мустаҳкамлигини ҳисоблаш услуби яратилди, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги тармоғидаги “KELAJAK-S” ХК да ер ости қувурларини ҳисоблаш ва лойиҳалаш жараёнига татбиқ этилди (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2020 йил 19 августдаги 09-06-6406 – сонли маълумотномаси). Тадқиқот натижаларини қўлланилиши лойиҳалаш жараёнидаги ҳисоблаш вақтини 2–3 марта тежалишига, объектнинг турғунлиги ҳамда чидамлилигини 1,2 марта захира билан ҳисобланишига эришилган. Қурилиш майдонининг сейсмик интенсивлигини ҳисобга олган ҳолда олинган натижалар қувурларнинг кўмилиш чуқурлигини 15–20 фоизгача камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган, шу жумладан 6 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 35 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациясининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 17 та мақола, жумладан 12 та мақола республика ва 5 та мақола хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби, кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва 5 та иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 197 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ер ости қувурлари сейсmodинамикаси амалий масалаларининг ўрганилганлик ҳолати”** деб номлаган биринчи бобида, ер ости қувурлари сейсmodинамикаси амалий масалаларини ўрганиш тадқиқотлари ва замонавий ҳолатдаги илмий муаммоларнинг аналитик шарҳлари келтирилган. Сейсмик таъсирлардаги тўғри чизикли ва мураккаб тармоқли ер ости қувурларининг бўйлама тебраниши тўғрисидаги анъанавий масалалар қаралган. Сейсмик таъсирларда ер ости қувурларининг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолати масалаларини компьютерда амалга ошириш ва ҳисоблаш алгоритмлари ишлаб чиқилган.

1960-1980 йилларда турли шароитларда грунт билан ер ости қувурларининг элементларидаги ўзаро таъсирни ўрганиш бўйича қатор лаборатория ва табиий экспериментал тадқиқотлар ўтказилган. Бўйлама ва кўндаланг кучлар, эгувчи ва буровчи моментларнинг статик таъсир параметрларини аниқлаш учун экспериментал ускуналар ясалган. Экспериментларни ўтказиш методикаси ёритилган.

Шу билан бирга бугунги кунда бир қатор долзарб масалалар мавжуд. Маълумки, ҳаётни таъминловчи қувур тизимлари ўзаро ортогонал ва ноортогонал бириктирилган бир нечта қувурлар ҳамда тугунларга бириктирилган тўғри чизиқли қувурлардан иборат. Бу ҳолатда сейсмик тўлқиннинг йўналиши бундай қувурлар тизимига фазода ихтиёрий бурчак остида таъсир қилади. Ихтиёрий бурчак остида йўналган сейсмик таъсирларда, фазода ихтиёрий жойлаштирилган қувурларнинг ер ости тизими учун кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини ҳисоблашнинг янги математик моделларини ишлаб чиқиш зарур.

Ҳозирги вақтда юртимиз ва хорижда содир бўлган кучли зилзилалар шуни кўрсатадики, зилзилалардан келиб чиқадиган хавфни олдиндан баҳолаш ва тегишли чораларни ўз вақтида кўриб чиқиш (сейсмик рискни баҳолаш муаммолари ва уларни камайтириш) ҳалокатли ҳодисаларни камайтириш учун катта аҳамиятга эга. Реал зилзилаларнинг ёзувлари (сейсмограмма ва акселерограмма) таъсирида ер ости қувурларининг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини ва барқарорлигини аниқлаш учун ҳисоблашнинг янги математик моделларини, алгоритмларини ва амалий дастурларини ишлаб чиқиш талаб этилади.

Диссертациянинг **“Фазовий сейсмик таъсирлардаги ер ости қувурлари тизими динамикасини математик моделлаштириш”** деб номланган иккинчи бобида Гамильтон–Остроградский вариацион тамойили асосида ихтиёрий йўналган сейсмик юкланишдаги ер ости қувурлари сейсмодинамикасининг замонавий янги масалалари қаралган. Дифференциал тенгламалар системаси мос чегаравий ва бошланғич шартлар билан бирга келтириб чиқарилган. Ихтиёрий йўналган сейсмик юкланишдаги ер ости қувурлари чегаравий масалаларини ҳисоблашнинг компьютерда амалга ошириш методикаси ишлаб чиқилди. Атрофдаги грунт билан ўзаро таъсирда бўлган абсолют қаттиқ жисм кўринишидаги мураккаб тугуннинг дифференциал тенгламалар тизими келтириб чиқарилган.


Ер ости қувурлари учун Гамильтон–Остроградский вариацион тамойили. Кучли зилзилаларнинг оқибатлари таҳлили шуни кўрсатадики, ер ости иншоотларининг сейсмик мустаҳкамлиги сейсмик тўлқиннинг таъсир этиш йўналишига боғлиқ. Зилзилаларда ер ости иншоотларига юкланишлар ихтиёрий йўналишда таъсир этади, шунинг учун фазовий тебранишларда ер ости қувурларининг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини баҳолаш, мумкин бўлган сейсмик хавфни олдиндан аниқлаш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ихтиёрий йўналган сейсмик юкланишлардаги ер ости қувурларининг бўйлама, кўндаланг тебранишларини ўрганиш учун стерженларнинг тебраниши амалий назарияси қўлланилган.

Ер ости қувурлари учун Гамильтон–Остроградский вариацион тамойили қуйидаги кўринишга эга

$$\int_t (\delta T - \delta \Pi + \delta A) dt = 0, \quad (1)$$

бунда δT , $\delta \Pi$ –кинетик ва потенциал энергия вариацияси; δA –ташқи кучнинг бажарган иши вариацияси; t –вақт.



1-расм. Ихтиёрий йўналган сейсмик юкланишдаги ер ости қувурининг схемаси

Чекланишлар асосида қувур стержен кўринишида (1-расм) моделлаштирилади, кўчишлар қуйидаги кўринишда ифодаланган:

$$u_1 = u - y\alpha_1 - z\alpha_2, \quad u_2 = v + z\theta, \quad u_3 = w - y\theta, \quad (2)$$

бунда u_1, u_2, u_3 –компонентлар қувурнинг ҳар қандай нуқтасининг кўчиши; u, v, w –қувур ўқининг бўйлама, кўндаланг кўчишлари; α_1, α_2 –соф эгилишдаги қувурнинг эгилиш бурчаги; θ –қувур ўқининг буралиши бурчаги.

Қувурнинг деформацияси эластик ораликда қабул қилинган. Шунга асосан қувур материали учун Гук қонуни қуйидагича

$$\sigma_{11} = E\varepsilon_{11}, \quad \sigma_{12} = G\varepsilon_{12}, \quad \sigma_{13} = G\varepsilon_{13}, \quad (3)$$

бунда ε_{ij} –учун Коши муносабатлари қуйидаги кўринишда бўлади

$$\varepsilon_{11} = \frac{\partial u_1}{\partial x} = \frac{\partial u}{\partial x} - y \frac{\partial \alpha_1}{\partial x} - z \frac{\partial \alpha_2}{\partial x}, \quad \varepsilon_{12} = \frac{\partial u_2}{\partial x} + \frac{\partial u_1}{\partial y} = \frac{\partial v}{\partial x} + z \frac{\partial \theta}{\partial x} - \alpha_1, \quad (4)$$

$$\varepsilon_{13} = \frac{\partial u_3}{\partial x} + \frac{\partial u_1}{\partial z} = \frac{\partial w}{\partial x} - y \frac{\partial \theta}{\partial x} - \alpha_2.$$

Кувурнинг кинетик энергияси вариацияси:

$$\int_t \delta \Gamma dt = \int \int_V \left[\rho \frac{\partial u_1}{\partial t} \delta \frac{\partial u_1}{\partial t} + \rho \frac{\partial u_2}{\partial t} \delta \frac{\partial u_2}{\partial t} + \rho \frac{\partial u_3}{\partial t} \delta \frac{\partial u_3}{\partial t} \right] dV dt. \quad (5)$$

Кувурнинг потенциал энергияси вариацияси:

$$\int_t \delta \Pi dt = \int \int_V (\sigma_{11} \delta \varepsilon_{11} + \sigma_{12} \delta \varepsilon_{12} + \sigma_{13} \delta \varepsilon_{13}) dV dt. \quad (6)$$

Кувурнинг ташқи кучлари иши вариацияси:

$$\begin{aligned} \int_t \delta A dt = & \int \int_V [P_1 \delta u_1 + P_2 \delta u_2 + P_3 \delta u_3] dV dt + \int \int_S [q_1 \delta u_1 + \\ & + q_2 \delta u_2 + q_3 \delta u_3] dS dt + \int \int_{S_1} [\varphi_1 \delta u_1 + \varphi_2 \delta u_2 + \varphi_3 \delta u_3] dS_1 dt \Big|_x, \end{aligned} \quad (7)$$


бунда P_1, P_2, P_3 —ҳажмий кучлар; q_1, q_2, q_3 —сирт кучлари, $\varphi_1, \varphi_2, \varphi_3$ —чегарадаги кучлар.

Кувурнинг кинетик (5), потенциал (6) энергиялари ва ташқи кучлари иши (7) вариациялари ифодаларини Гамильтон-Остроградский (1) вариацион тамойилига қўямиз, мос бошланғич ва чегаравий шартларга эга қўйидаги вариацион тенгламалар тизимини келтириб чиқарамиз:

$$\begin{aligned} \int_t (\delta \Gamma - \delta \Pi + \delta A) dt = & \int_x \left[\rho F \frac{\partial u}{\partial t} \delta u + \rho I_z \frac{\partial \alpha_1}{\partial t} \delta \alpha_1 + \rho I_y \frac{\partial \alpha_2}{\partial t} \delta \alpha_2 + \rho F \frac{\partial v}{\partial t} \delta v + \right. \\ & + \rho F \frac{\partial w}{\partial t} \delta w + \rho I_p \frac{\partial \theta}{\partial t} \delta \theta \Big] dx \Big|_t + \int \int_x \left\{ \left[-\rho F \frac{\partial^2 u}{\partial t^2} + EF \frac{\partial^2 u}{\partial x^2} + N_x(P_1) + N_x(q_1) \right] \delta u + \right. \\ & + \left[-\rho I_z \frac{\partial^2 \alpha_1}{\partial t^2} + EI_z \frac{\partial^2 \alpha_1}{\partial x^2} + GF \frac{\partial v}{\partial x} - GF \alpha_1 - (M_z(P_1) + M_z(q_1)) \right] \delta \alpha_1 + \left[-\rho I_y \frac{\partial^2 \alpha_2}{\partial t^2} + \right. \\ & + EI_y \frac{\partial^2 \alpha_2}{\partial x^2} + GF \frac{\partial w}{\partial x} - GF \alpha_2 - (M_y(P_1) + M_y(q_1)) \Big] \delta \alpha_2 + \left[-\rho F \frac{\partial^2 v}{\partial t^2} + GF \frac{\partial^2 v}{\partial x^2} - \right. \\ & - GF \frac{\partial \alpha_1}{\partial x} + (Q_{12}(P_2) + Q_{12}(q_2)) \Big] \delta v + \left[-\rho F \frac{\partial^2 w}{\partial t^2} + GF \frac{\partial^2 w}{\partial x^2} - GF \frac{\partial \alpha_2}{\partial x} + Q_{13}(P_3) + \right. \\ & + Q_{13}(q_3) \Big] \delta w + \left[-\rho I_p \frac{\partial^2 \theta}{\partial t^2} + GI_p \frac{\partial^2 \theta}{\partial x^2} + (M_x(P_2, P_3) + M_x(q_2, q_3)) \right] \delta \theta \Big\} dx dt + \\ & + \left\{ \left[\left(-EF \frac{\partial u}{\partial x} + N_x(\varphi_1) \right) \delta u + \left(-EI_z \frac{\partial \alpha_1}{\partial x} - M_z(\varphi_1) \right) \delta \alpha_1 + \left(-EI_y \frac{\partial \alpha_2}{\partial x} - M_y(\varphi_1) \right) \delta \alpha_2 + \right. \right. \end{aligned}$$

$$\begin{aligned}
& + \left(-GF \frac{\partial v}{\partial x} + GF \alpha_1 + Q_{12}(\varphi_2) \right) \delta v + \left(-GF \frac{\partial w}{\partial x} + GF \alpha_2 + Q_{13}(\varphi_3) \right) \delta w + \\
& + \left(-GI_p \frac{\partial \theta}{\partial x} + M_x(\varphi_2, \varphi_3) \right) \delta \theta \Bigg|_x \Bigg] dt = 0.
\end{aligned}$$

Абсолют қаттиқ жисм кўринишидаги мураккаб тугуннинг дифференциал тенгламалар тизими. Мураккаб тугунни фазовий координаталар ($Oxyz$) тизимида кўриб чиқамиз. Власов – Джанелидзе – Кабулов гипотезаси ва вариацион тамойили асосида мураккаб тармоқли ер ости қувурлари абсолют қаттиқ тугунининг математик модели шакллантирилди.



2-расм. Фазовий мураккаб тармоқли тугуннинг схемаси

Мураккаб тугуннинг кўриниши 2-расмда кўрсатилган. Мураккаб тугуннинг кўчишларини қўйидаги шаклда қабул қиламиз:

$$u_1 = u^0 - y\alpha_1^0 - z\alpha_2^0, \quad u_2 = v^0 + z\theta^0, \quad u_3 = w^0 - y\theta^0, \quad (8)$$

бунда u_1, u_2, u_3 – тугун нуктасининг кўчиши; u^0 – тугуннинг бўйлама кўчиши; v^0, w^0 – тугуннинг кўндаланг кўчишлари; α_1^0, α_2^0 – тугун кесимининг эгилиш бурчаги; θ^0 – тугун буралиш бурчаги.

Кинетик энергиянинг вариацияси. Бунда абсолют қаттиқ жисм кўринишидаги мураккаб тугуннинг кинетик энергиясининг вариацияси қўйидаги кўринишда бўлади:

$$\int_t \delta \Gamma dt = \int_t \int_V \left[\rho \frac{\partial u_1}{\partial t} \delta \frac{\partial u_1}{\partial t} + \rho \frac{\partial u_2}{\partial t} \delta \frac{\partial u_2}{\partial t} + \rho \frac{\partial u_3}{\partial t} \delta \frac{\partial u_3}{\partial t} \right] dV dt. \quad (9)$$

Мураккаб абсолют қаттиқ тугунга таъсир этувчи ташқи кучлар ишининг вариацияси

$$\begin{aligned}
\int_t \delta A dt &= \int_t \int_V [P_1 \delta u_1 + P_2 \delta u_2 + P_3 \delta u_3] dV dt + \int_t \int_S [q_1 \delta u_1 + q_2 \delta u_2 + q_3 \delta u_3] dS dt = \\
&= \int_t \int_V \left[P_1 \delta (u^0 - y\alpha_1^0 - z\alpha_2^0) + P_2 \delta (v^0 + z\theta^0) + P_3 \delta (w^0 - y\theta^0) \right] dV dt + \\
&+ \int_t \int_S [q_1 \delta u_1 + q_2 \delta u_2 + q_3 \delta u_3] dS dt.
\end{aligned} \quad (10)$$

Ифодаларни кўриб чиқамиз

$$\int_t (\delta T + \delta A) dt = 0. \quad (11)$$

Тугуннинг кинетик энергияси (9) ва ташқи кучлари иши (10) вариациялари ифодаларини (11) га қўямиз, мос бошланғич шартларга эга қўйидаги вариацион тенгламалар тизимини келтириб чиқарамиз:

$$\begin{aligned} \int_t (\delta T + \delta A) dt = & \int_t \left\{ \left[-M(\rho) \frac{\partial^2 u^0}{\partial t^2} + S_z(\rho) \frac{\partial^2 \alpha_1^0}{\partial t^2} + S_y(\rho) \frac{\partial^2 \alpha_2^0}{\partial t^2} + P_1 + q_1 \right] \delta u^0 + \right. \\ & + \left[-M(\rho) \frac{\partial^2 v^0}{\partial t^2} - S_y(\rho) \frac{\partial^2 \theta^0}{\partial t^2} + P_2 + q_2 \right] \delta v^0 + \left[-M(\rho) \frac{\partial^2 w^0}{\partial t^2} + S_z(\rho) \frac{\partial^2 \theta^0}{\partial t^2} + \right. \\ & + P_3 + q_3 \left. \right] \delta w^0 + \left[S_z(\rho) \frac{\partial^2 u^0}{\partial t^2} - I_z(\rho) \frac{\partial^2 \alpha_1^0}{\partial t^2} - I_{yz}(\rho) \frac{\partial^2 \alpha_2^0}{\partial t^2} - M_z(P_1) - \right. \\ & - M_z(q_1) \left. \right] \delta \alpha_1^0 + \left[S_y(\rho) \frac{\partial^2 u^0}{\partial t^2} - I_{yz}(\rho) \frac{\partial^2 \alpha_1^0}{\partial t^2} - I_y(\rho) \frac{\partial^2 \alpha_2^0}{\partial t^2} - M_y(P_1) - \right. \\ & - M_y(q_1) \left. \right] \delta \alpha_2^0 + \left[-S_y(\rho) \frac{\partial^2 v^0}{\partial t^2} + S_z(\rho) \frac{\partial^2 w^0}{\partial t^2} - I_p(\rho) \frac{\partial^2 \theta^0}{\partial t^2} + M(P_2, P_3) + \right. \\ & + M(q_2, q_3) \left. \right] \delta \theta^0 \left. \right\} dt + \left\{ \left[M(\rho) \frac{\partial u^0}{\partial t} - S_z(\rho) \frac{\partial \alpha_1^0}{\partial t} - S_y(\rho) \frac{\partial \alpha_2^0}{\partial t} \right] \delta u^0 + \right. \\ & + \left[M(\rho) \frac{\partial v^0}{\partial t} + S_y(\rho) \frac{\partial \theta^0}{\partial t} \right] \delta v^0 + \left[M(\rho) \frac{\partial w^0}{\partial t} - S_z(\rho) \frac{\partial \theta^0}{\partial t} \right] \delta w^0 + \\ & + \left[-S_z(\rho) \frac{\partial u^0}{\partial t} + I_z(\rho) \frac{\partial \alpha_1^0}{\partial t} + I_{yz}(\rho) \frac{\partial \alpha_2^0}{\partial t} \right] \delta \alpha_1^0 + \left[-S_y(\rho) \frac{\partial u^0}{\partial t} + I_{yz}(\rho) \frac{\partial \alpha_1^0}{\partial t} + \right. \\ & + I_y(\rho) \frac{\partial \alpha_2^0}{\partial t} \left. \right] \delta \alpha_2^0 + \left[S_y(\rho) \frac{\partial v^0}{\partial t} - S_z(\rho) \frac{\partial w^0}{\partial t} + I_p(\rho) \frac{\partial \theta^0}{\partial t} \right] \delta \theta^0 \left. \right\} \Big|_t = 0. \end{aligned}$$

Кўйилган масалаларни ҳисоблашда сонли усуллар сифатида фазовий координаталар бўйича чекли элементлар усули (ЧЭУ) ва вақт бўйича чекли айирмалар усулининг (ЧАУ) ошқормас схемасидан фойдаланамиз.


Диссертациянинг **“Фазовий сейсмик таъсирларда текис ва фазовий жойлаштирилган тўғри чизиқли ер ости қувурлари натижаларининг таҳлили”** деб номланган учинчи бобида турли хил чегаравий шартларга эга бўлган текисликда ва фазовий жойлаштирилган ер ости қувурларининг сонли тадқиқотлари ўтказилган. Фазовий сейсмик таъсирлар остидаги уланиш чокларига эга ер ости қувурларининг реакцияси аниқланди. Бириктирилган қувурларга сейсмик тўлқин таъсири, унинг бўйлама ўқига нисбатан бурчак

остида бўлганда қувурнинг ҳар бир таркибий қисми ва унинг ҳар бир уланиш чокини ҳисобга олинувчи модел бўйича ҳисоблашлар олиб бориш зарурлиги кўрсатилди.

1-масала. Мисол сифатида қуйидаги масалани фазовий ҳисоблаш схемаси бўйича қараймиз: ер ости қувурининг чап чегараси қотириб маҳкамланган ўнг чегараси эркин танланган.


Механик и геометрик параметрларни қуйидаги кўринишда танлаймиз: $E=2 \cdot 10^5$ МПа; $\rho=7.8 \cdot 10^3$ кг/м³; $l=100$ м; $D_H=0.5$ м; $D_B=0.49$ м; $\mu_{\text{грунт}}=0.2$; $\mu_{\text{труба}}=0.3$; $k_x=1.5 \cdot 10^4$ кН/м³; $k_{y,z}=3.9 \cdot 10^4$ кН/м³; $u_{0x}=u_0 \cdot \cos\alpha$; $u_{0y}=u_0 \cdot \sin\alpha \cdot \cos\beta$; $u_{0z}=u_0 \cdot \sin\alpha \cdot \sin\beta$; $u_0=a_0 \cdot e^{-\varepsilon(t-f(x,y,z)/C_p)} \cdot \sin\omega(t-f(x,y,z)/C_p) \cdot H(t-f(x,y,z)/C_p)$; $a_0=0.004$ м; $\varepsilon=0,3$ с⁻¹; $f(x,y,z) = \sqrt{(x \cdot \sin\alpha)^2 + (y \cdot \sin\alpha \cdot \cos\beta)^2 + (z \cdot \sin\alpha \cdot \sin\beta)^2}$; $\omega=2\pi/T$; $T=0.3$ с; $C_p=1500$ м/с; $\alpha=30^\circ$; $\beta=60^\circ$; $R_H=0.25$ м; $\tilde{\gamma}=45^\circ$. α, β – сейсмик тўлқиннинг таъсир этиш бурчаги.

Қувурнинг узунлиги ва вақт бўйича ўзгарувчи нормал (*a*) ва уринма (*b*) интенсив кучланишларининг уч ўлчовли натижалари 3-расмда келтирилган. Расмлардан кўринадики, максимал кучланишлар қувурнинг қотириб маҳкамланган қисми атрофида пайдо бўлади.



3-расм. Қувур узунлиги ҳамда вақт бўйича нормал (*a*) ва уринма (*b*) интенсив кучланишларининг ўзгариши

Оху текислигида жойлашган ва атрофидаги грунт билан ўзаро таъсирдаги, кўплаб уланиш чокларига эга узун қувурни соддалаштирилган эластик модел бўйича кўриб чиқамиз. Ер ости қувурининг узунлиги 200 м, унинг ҳар бир қисмининг узунлиги эса 5 м ни ташкил қилсин (4-расм).



4-расм. Уланиш чоклари билан бириктирилган ер ости қувури

Хусусан, қувурнинг чап ва ўнг учлари грунтга маҳкамланган, сейсмик тўлқиннинг таъсир бурчаклари $\alpha=30^\circ$, $\beta=30^\circ$ бўлган гармоник функция кўринишида берилган.

Экспериментал натижаларга асосланган уланиш чоклари орасидаги кучлар, моментлар ва нисбий кўчишлар, бурилишларнинг боғлиқликлари қуйидаги кўринишда ёзилган

$$\begin{cases} N = K_N u, Q_1 = K_Q v, Q_2 = K_Q w, \\ M_{u_1} = K_{M_u} \alpha_1, M_{u_2} = K_{M_u} \alpha_2, M_k = K_{M_k} \theta, \end{cases} \quad (12)$$

бунда N , Q_1 , Q_2 , M_{u_1} , M_{u_2} , M_k – бўйлама ва кўндаланг кучлар, эгилиш ва буралиш моментлари, мос равишда u , v , w уланиш чокидаги нисбий эластик кўчишлар ва α_1 , α_2 , θ нисбий эластик эгилишлар ҳамда буралиш бурчаклари, K_N , K_Q , K_{M_u} , K_{M_k} – тегишли юкламалардаги уланиш чокнинг бикрлик коэффициентлари.

Қувурдаги кўп сонли уланиш чоклари билан бириктирилган, силжишга мойил уланиш чокларини инобатга олган бўйлама келтирилган бикрлик B_{np} , таниқли олимлар томонидан қувурнинг статик деформациясига мос келадиган қуйидаги тақрибий формула кўринишида тақдим қилинган:


$$B_{np} = \frac{B}{1 + \frac{B}{K_N l_i}}, \quad (13)$$

бунда $B = EF$ – чўзилишдаги (сиқилишдаги) бикрлик; l_i – битта оралик узунлиги; K_N – уланиш чокларининг бўйлама бикрлиги.

2-масала. $E=1.2 \cdot 10^5$ МПа; $\rho=7.0 \cdot 10^3$ кг/м³; $l=200$ м; тўғри чизиқли қисмида $k_x=1.5 \cdot 10^4$ кН/м³; $k_{y,z}=3.9 \cdot 10^4$ кН/м³; $u_{0x}=u_0 \cdot \cos \alpha$; $u_{0y}=u_0 \cdot \sin \alpha \cdot \cos \beta$; $u_{0z}=u_0 \cdot \sin \alpha \cdot \sin \beta$; $u_0=a_0 \cdot \sin \omega(t-f(x,y,z)/C_p) \cdot H(t-f(x,y,z)/C_p)$; $a_0=0.01$ м; $\omega=2\pi/T$; $f(x,y,z) = \sqrt{(x \cdot \sin \alpha)^2 + (y \cdot \sin \alpha \cdot \cos \beta)^2 + (z \cdot \sin \alpha \cdot \sin \beta)^2}$; $T=0.3$ с; $C_p=700$ м/с; $\mu_{грунт}=0.2$; $\mu_{труба}=0.3$; $D_H=0.5$ м; $D_B=0.49$ м. Грунтнинг тебраниш амплитудаси a_0 MSK-64 шкаласи бўйича 9-балли зилзилага мос келади. Уланиш чокларининг бикрлик коэффициентлари $K_N=80 \cdot 10^4$ кН/м; $K_Q=200 \cdot 10^4$ кН/м; $K_{M_u}=9 \cdot 10^2$ кНм; $K_{M_k}=8 \cdot 10^4$ кНм.


Ер ости қувурининг узунлик бўйича сиқилишдаги (чўзилишдаги) кучланишларининг қийматларини белгиланган вақт қийматидаги ўзгариши 5-расмда келтирилган

Олинган натижалардан кўринадикки, ҳар бир уланиш чокида ер ости қувурининг координата бўйича сиқувчи (чўзувчи) кучланиши ушбу уланиш чокининг маълум бир кичик сакрашлар билан характерли хусусиятига эга. Бу тўлқиннинг уланиш чокидан қайтиши ва тўлқиннинг уланиш чоки орқали қувурнинг қўшни қисмига ўтиши билан боғлиқ.



5-расм. Белгиланган вақтларда ер ости қувурининг узунлик бўйича сиқилишдаги (чўзилишдаги) кучланишлари қийматларининг ўзгариши


Вақтнинг белгиланган қийматларида ер ости қувурининг узунлик бўйича тўлиқ кучланишлари қийматларининг ўзгариши 6-расмда кўрсатилган. Ушбу графикалар (6-расм) шуни кўрсатадики, ер ости қувурининг ҳар бир қисми эгилиш моментларининг қийматига таъсир кўрсатади.



6-расм. Белгиланган вақтларда ер ости қувурининг узунлик бўйича тўлиқ кучланишлари (σ_{y^+} , σ_{y^-} , σ_{z^+} , σ_{z^-}) қийматларининг ўзгариши

Бу ерда ҳам кўриш мумкинки, ҳар бир бўғинда координата бўйича ер ости қувурининг майда сакрашлар билан тўлиқ кучланишининг қийматлари, уланиш чокларини силжишга мойиллиги ҳисобига турли характерга эга.

Яққол кўриниши учун вақтнинг белгиланган қийматларида ер ости қувурининг турли узунликлар ($x=5-25$ м, $x=100-125$ м и $x=170-195$ м) оралиғида эгилиш моментлари (M_y , M_z) қийматларининг ўзгариши 7-расмда кўрсатилган.




7-расм. Белгиланган вақтда ер ости қувурининг турли кесимларидаги эгилиш моментлари (O_y ва O_z ўқларига нисбатан эгилиш) қийматларининг ўзгариши

Графикдан кўринадики, ер ости қувури бўғимининг узунлиги бўйича эгувчи моментлар (M_y , M_z) ўзгариб боради – чап уланиш чокидан бошлаб катталашади, сўнг ўнг уланиш чокигача камаяди (7-расм), уланиш чокида эса эгилиш моментининг қийматлари оралиқнинг ўртасига қараганда камроқдир.

Уланиш чоклари ер ости қувурининг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатининг шаклланишида муҳим рол ўйнайди, чунки ер ости қувурининг ҳар бир оралиқ бўғимида тўлиқ кучланишлар ўзгаради, бу оралиқ бўғимлардаги эгилиш деформациялари билан боғлиқ.

Иккита солиштирма моделлар бўйича ҳисоблаб чиқилган эгувчи моментларни таққослаш графиклари 8-расмда келтирилган. Кутилганидек, келтирилган бикрликка эга бир жинсли қувур модели бўйича ҳисоблаб чиқилган қувурларнинг узунлиги бўйича моментлар графиклари силлиқ кўринишга эга.


Келтирилган бикрликка ўтмасдан ҳисобланган моментлар графиги мураккаб характерга эга, бу қувурларнинг оралиқ бўғин бирикишидаги ва уларнинг уланиш чоклари элементларидаги динамик жараёнларга боғлиқдир. Ушбу солиштиришлардан хулоса қилинадики, сейсмик тўлқин уланиш чоклари билан бириктирилган қувурнинг бўйлама ўқиға нисбатан бурчак остида таъсир қилганда, қувурнинг ҳар бир оралиқ бўғини ҳамда унинг ҳар бир уланиш чокини ҳисобга олувчи қувур модели бўйича ҳисоблашларни олиб бориш лозим.



